ПАРТИЯ ТУРМУШИ

# Идеология ишлари савиясини юқори даражага кўтарайлик

*Район партия комитетлари пленумларидан*

### ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК РАЙОНИ

КПСС XXI съезди қарорларидан руҳланган район меҳнаткашлари пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан тузилган етти йиллик планни олти йилда бажариш мажбуриятини олиб, шу кунларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Етти йилликнинг охирига бориб, пахтанинг ялпи ҳосилини 44 минг тоннага етказиш мўлжалланади. Яъни ўтган йилга нисбатан икки баравар кўп пахта ҳосили етиштирилади. Ғалла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам анча кўпайтирилади.

Бу муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилмайди, албатта. Партиямиз таълим бериб айтганидек, хўжалик соҳасидаги муваффақиятларни янги кишини тарбиялаш, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш ва уларни олдимизда турган улуғвор вазифаларни бажариш учун курашга тўла сафарбар этиш орқали қўлга киритиш мумкин.

Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида райком секретари ўртоқ М. Мирқурбонов «Районда идеология ишларининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари» ҳақида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада чиқиб сўзлаган ўртоқлар район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари коммунистлар ҳамда партиясиз активларнинг ғоявий-назарий савияси ва иқтисодий билимини ошириш, меҳнаткашлар ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш, ёшларни коммунистик аҳлоқ руҳида тарбиялашда эришилган баъзи муваффақиятларни қайд қилдилар, шу билан бирга бу соҳада йўл қўйилган жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтдилар.

Максим Горький номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ З. Мирзаев ўз сўзида райком, унинг пропаганда ва агитация бўлими партия маорифи шохобчаларига ҳамда лекция пропагандаси ишларига етарли раҳбарлик қилмаётганлиги ҳақида конкрет мисоллар келтирди.

— Район маданият бўлими, — деди у, — аҳолига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш масаласи билан қониқарсиз шуғулланмоқда. Чунончи, ўтган йилнинг октябрь ойидан то ҳозирга қадар колхозимиз аъзолари учун атиги икки марта кино кўрсатилди.

Пленум қатнашчиси, район молия бўлимининг мудири ўртоқ Кудашев нуқул хўжалик ишлари билан ўралашиб қолиб, партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишларни кучайтиришга эътибор бермаётганликлари учун райондаги «Гулистон» совхози ва «Победа» колхози партия ташкилотларини танқид қилди.

— Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, — деди «Социализм» совхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Шукуров, — совхозга келиб, ишчилар ва хизматчилар ўртасида сиёсий докладлар ўқимайдилар. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг район бўлими эса меҳнаткашлар ўртасида илмий-атеистик темалардаги лекцияларни камдан-кам ўтказмоқда.

Пленумда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам районда идеология ишларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида очиб ташладилар ҳамда бу соҳадаги ишларни кучайтиришга қаратилган конкрет таклифларни киритдилар.

**Р. ҒАФУРОВ.**

### БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ

Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида райком секретари ўртоқ Ладушкин «КПСС XXI съезди қарорлари асосида районда идеология ишларини янада яхшилаш тадбирлари» тўғрисида доклад қилди.

— Етти йиллик план вазифаларини муваффақиятли бажариш манфаатлари, — деди докладчи, — янги кишини тарбиялаш, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини оширишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу, партия ташкилотларидан идеология ишларини ҳозирги юксак талаблар даражасига кўтаришни, партиямиз XXI съезди материалларини меҳнаткашлар онгига чуқур сингдиришни талаб этади.

Сўнгра докладчи партия маорифи шохобчаларидаги тўгаракларда 1200 дан ортиқ коммунист съезд материалларини ўрганаётганлигини, РТС, консерва заводи, Жданов номли, «Қозоғистон 30 йиллиги», Фрунзе номли колхоз бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида съезд материалларини пропаганда қилишга жиддий эътибор бераётганликларини айтди, шу билан бирга «Пскем» совхози, ойна заводи, район матлубот жамияти, «Қизил ту», Наримонов номли, Энгельс номли ва Калинин номли колхоз бошланғич партия ташкилотлари бу соҳада суст иш олиб бораётганликларини кўрсатиб ўтди.

Музокарада сўзга чиққан район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Майлибоев маданий-оқартув ишларини эътибордан мутлақо четда қолдирганликлари, клублар ва қироатхоналарни ҳақиқий маданият ўчоғига айлантириш ўрнига қаровсиз ташлаб қўйганликлари ва комсомол ташкилотларига яқиндан ёрдам бермаётганликлари учун Наримонов номли, Калинин номли, «Чирчиқ» колхозларининг партия ташкилотларини танқид қилди.

Район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ Раҳимбердиев аҳоли ўртасида илмий-атеистик пропаганда олиб боришда йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар ва буларни тугатиш тадбирлари ҳақида гапирди.

Район меҳнаткашлари ўртасида съезд материалларини пропаганда қилиш талаб қилинган даражада эмаслиги, бу соҳада оммага идеологик жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг муҳим воситалари — лекция пропагандаси, кино, радио, деворий газета, фото газета, «Жанговар варақа»лардан фойдаланиш қониқарсиз аҳволда эканлиги сўзга чиққан бошқа нотиқларнинг нутқларида конкрет фактлар билан кўрсатиб ўтилди.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан кенг қарор қабул қилди.

**Э. ТУРКМЕНОВ.**

# Етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажарайлик!

МУСОБАҚАДОШ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАРДА

## Тошкентликлар билан мусобақада ғолиб чиқиш учун

**Киев Халқ хўжалик кенгаши раисининг ўринбосари ўртоқ В. СТЕПАНЧЕНКО билан суҳбат**

КПСС XXI съезди мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг ғоят катта программасини белгилаб берди. Етти йилликда бутун мамлакат билан бир қаторда Киев иқтисодий районининг экономикаси ҳам янада зўр бериб ривожлантирилади. Олдимизда турган бу вазифаларни шараф билан бажаришда иқтисодий районимиз меҳнаткашлари билан Тошкент маъмурий-иқтисодий районн меҳнаткашлари ўртасидаги социалистик мусобақани тағин ҳам мустаҳкамлаш, мусобақадошлар ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ғоят катта роль ўйнайди. Буни ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Ўтган йили Киев Совнархози саноатининг вакиллари Тошкент область корхоналарида бўлдилар. Улар мусобақа шартларининг бажарилишини текшириш билан бир қаторда корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини, янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш, илғорлар методини оммалаштириш соҳасида тўпланган тажрибаларни ўргандилар. Худди шунингдек Тошкент иқтисодий районининг меҳнаткашлари вакиллари бизнинг корхоналаримизда бўлдилар, улар ҳам биздан кўпгина янгиликларни ўргандилар. Икки ўртадаги алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳеч шубҳасиз, давлат планларини тўла ҳамда ортиғи билан бажаришда жуда катта роль ўйнайди. Буни 1958 хўжалик йили якунларидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Иқтисодий районимиз саноат корхоналарининг коллективлари тошкентликлар билан бўлаётган ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиқиш мақсадида астойдил меҳнат қилдилар ва 1958 йил топшириғини муддатидан илгари — 19 декабрдаёқ бажардилар.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Совнархоз корхоналарида 200 га яқин янги, юқори иш унумли машина, механизм ва приборлар яратилди ҳамда уларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш процессларини, даставвал оғир ва кўп меҳнат талаб қилувчи ишларни механизациялаш ҳамда автоматлаштириш, прогрессив технологияни жорий этишга қаратилган 1100 дан ортиқ ташкилий-техника тадбири амалга оширилди. 450 дан ортиқ автомат ва яримавтоматлар, 150 та поток ва конвейер линиялари ўрнатилди, эскирган 2000 га яқин асбоб-ускуна модернизация қилинди ёки янгилари билан алмаштирилди.

Капитал қурилиш плани 103,8 процентга етказиб бажарилди. Пландаги 150 минг квадрат метр ўрнига 160 минг квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилди.

Иқтисодий район меҳнаткашлари тошкентликлар билан бўлган мусобақада қўлга киритган ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон берувчи янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар. Ҳозир корхоналар ва қурилиш ташкилотларида мингдан ортиқ бригада, 500 цех ва смена коммунистик меҳнат бригадаси ва коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилаётир.

Етти йилликда иқтисодий районимиз саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 76 процент кўпаяди. Машинасозлик, химия, бинокорлик материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари айниқса тез суръат билан юксалади. Етти йил мобайнида сунъий ва синтетик толалар ишлаб чиқаришни 3,9 баравар, автомат ва яримавтомат станоклар — 2,8 баравар, приборлар — 3,3 баравар, кабель буюмлари — 3,1 баравар, цемент — 5,6 баравар ва гўшт ҳамда сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 2,3 баравар кўпайтиришни мўлжаллаётирмиз. Техникани янада тараққий эттириш, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан саноатда меҳнат унумдорлиги 1965 йилга бориб 1958 йилдагига қараганда 54 процент ва қурилишда 64,3 процент ортади.

Совнархоз корхоналарида 400 га яқин конвейер ва технологик поток линияларини ишга тушириш, юқори иш унумли янги асбоб-ускуналар ҳамда 54 та автомат ва яримавтомат линиялар ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда машина ва механизмларнинг янги, ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи турларни яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга жиддий эътибор берилади. Етти йиллик мобайнида 1,5 мингга яқин машина, механизм, прибор ҳамда аппаратураларнинг янги ва мукаммал турларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришни мўлжалламоқдамиз.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Киев иқтисодий районн меҳнаткашлари олдида турган вазифа ғоят катта ва масъулиятлидир.

Корхона ва қурилишлар коллективлари маҳаллий партия ташкилотларининг раҳбарлигида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшишдек олижаноб мақсад йўлида бир жон-бир тан бўлиб ишламоқдалар. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг ташаббус кўрсатиши, жон куйдириши натижасида янги йилнинг дастлабки ойларидан бошлабоқ давлат планлари тўла ҳамда ортиғи билан бажарилаётир.

Январь ва февраль ойларини муваффақият билан якунлаган Киев Халқ хўжалик кенгаши саноат корхоналарининг коллективлари биринчи квартал топшириғини ҳам муддатидан илгари бажардилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди қарорлари совет кишиларининг ижодий ташаббускорлиги, сиёсий активлиги ва меҳнат соҳасидаги ғайратини мисли кўрилмаган даражада ошириб юборди. Ҳамма ерда 1959 йил ва умуман етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракати тобора кенг қулоч ёймоқда. Киевликлар ҳам бу ҳаракатга қўшилиб, ўз зиммаларига янги, оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Совнархознинг айрим саноат тармоқлари, жумладан машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, қант, бинокорлик материаллари саноати бошқармаларининг коллективлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етти йиллик топшириқларини олти йилда бажариш мажбуриятини олдилар. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар партия ва халқ олдида берилган ваъданинг устидан чиқиш учун бутун имкониятлардан фойдаланиб меҳнат қилмоқдалар. Тошкент иқтисодий районининг меҳнаткашлари ўртасидаги алоқаларимизни бундан кейин ҳам мустаҳкамлаш, ички резервларни қидириб топишда ва уларни ишга солишда бизга жуда катта ёрдам беради.

## Олмалиқликларнинг меҳнат зафарлари

**Олмалиқ шаҳридаги саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари областимизда биринчи бўлиб етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш ҳақида мажбуриятлар қабул қилган эдилар.**

**Олмалиқликлар дастлабки ютуқларга эришдилар. Шаҳар саноат корхоналари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш квартал планини 106 процент қилиб бажардилар. Бинокорлар ҳам улардан орқада қолаётганлари йўқ. Улар қурилиш ишлари квартал топшириғини 104,6 процентга етказиб адо этдилар. Шуниси қувончлики, уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш пландагидан 24,5 процент ошириб бажарилди.**

**Олмалиқ шаҳрининг меҳнаткашлари қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлашга бел боғлаб, янада унумли меҳнат қилмоқдалар.**

**В. ГУСЕВ,**
**Область партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори.**

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

## *Петро Гвоздянский — иттифоқ рекордчиси*



...КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақа авжига чиққан кунлар. Петро Гвоздянский мусобақадош бригададан сменани қабул қилиб олиши билан ишни кеча смена мастери ва бригада аъзолари билан келишиб олган режаси асосида бошлади. Ҳамманинг вазифаси ўзига маълум, ҳамма бугун эритмани 7 соат 21 минут ўрнига 5 соатда тайёрламоқчи.

Қатор жойлашган мартен печларида пўлат биқир-биқир қайнамоқда. Биринчи печга эса энди «озуқа» ташланаётир. Печь ичида шиддат билан ланғиллаб ёнаётган алангаиинг ҳарорати 1000 градусдан баланд.

Пўлат иродали саккиз йигит иссиқ тафтига тоб бериб, зўр ғайрат билан печни тўлдирмоқдалар. Ҳамманинг қўли-қўлига тегмайди. Баъзан ўт зўрайиб кетиб йигитларни шошириб қўяди. Мўлжалдаги иш битгач, париллаб айланиб турган вентиляторга келиб бағирларини тутишади.

Мана печга нормадагидан 20 тонна чамасида кўп юк босилди. Энди ҳамма гап технология режимини яхши бошқаришда, яъни пўлатни меёрига етказиб, роса пишириб эритишда қолди.

Мана, печга шихта босилганига тўрт ярим соат бўлди. Петро эриётган пўлатга қаради-ю, ўз кўзларига ишонмай қолди. Наҳотки... У яна яхшилаб қаради. Тавба, эритма деярлик тайёрку, қарийб уч соат олдин-а, ҳали бунақа кўрсаткичга заводда эришилган эмас!

Петро пўлат эритувчилар ишини кузатиб, йўл-йўриқ кўрсатиб юрган мастер ёрдамчиси Ҳафиз Ғаниевни чақирди.

— Ҳафиз ака, сиз бир қаранг-чи, эрита бошлаганимизга 4 соат 33 минут бўлди, лекин эритма тайёрга ўхшайди, ишонгим келмаяпти.

Тажрибали металлург Ғаниев диққат билан печь ичига тикилди.

— Боплабсан-ку, шоввоз! Роса меёрига етилишига беш минутча бор. Ишинг беш, устозинг Баннопдан ҳам ўзиб кетдинг, — деди Ҳафиз ака.

«Петро Гвоздянский бригадаси 4 соату 40 минутда эритма олибди, Иттифоқ рекорди қўйибди» деган хушхабар бир неча минутдаёқ бутун заводга тарқалди.

Бу катта ғалаба муносабати билан цехда ўтказилган йиғилишда Ҳафиз Ғаниев завод маъмурияти, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари номидан бригада аъзоларини табриклаб бундай деди.

— Муддатидан 2 соат 41 минут олдин эритма бериб, бунинг устига печь тубининг ҳар бир квадрат метридан 8,6 ўрнига 13,5 тоннадан пўлат олиб, бу бригада коммунистча ишлашнинг ажойиб намунасини кўрсатди.

Петролар ташаббуси ҳамма бригадалар ғайратини ошириб юборди. Эртаси куни Сергей Зверов бошчилигидаги бригада ҳам 4 соат 40 минутда эритма олишга муваффақ бўлди. Жадал эритма олиш ва оғир вазнли эритмалар сонини кўпайтириш йўли билан цех коллективи етти йилликнинг биринчи йилида пландан ташқари бир неча минг тонна пўлат бериш юзасидан олган мажбуриятини уч ойдаёқ адо этди.

**З. ИСРОИЛОВ.**

В. И. Ленин туғилган куннинг 89 йиллиги олдидан

# Партия қурилишининг ленинча принциплари

В. И. Ленин Маркс ва Энгельснинг партия тўғрисидаги таълимотини давом эттириб, янги тарихий шароитда уни ижодий равишда ривожлантирди, марксизмнинг ошкора ва яширин душманларига қарши қатъий кураш олиб борди, революцион марксизм байроғи остида пролетариатнинг кучларини уюштириб ва жипслаштириб, янги типдаги марксистик партияга — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига асос солди ва партия қурилиши принципларини ишлаб чиқди.

Коммунистик партия ишчилар синфининг олий типдаги раҳбар ташкилоти, коммунизм қуришда совет халқининг илҳомчиси ва ташкилотчисидир деган таълимот янги типдаги партия тўғрисидаги Ленин таълимотининг асосидир.

Коммунистик партиянинг кучи шундаки, у революцион назария билан, марксизм-ленинизм билан қуролланган ва шу асосда тўғри сиёсат ишлаб чиқади, бу сиёсатни изчиллик билан амалга оширади. Партия ўз қарорларини касаба союзлари, советлар, ёшлар союзи, кооперативлар ва шу каби оммавий ташкилотлар орқали амалга оширади. Бу ташкилотларнинг ҳаммаси ўз тармоқлари орқали иш олиб борадилар. Бутун ишлар Коммунистик партия раҳбарлигида бир мақсад сари йўналтирилади. Чунки, пролетариат партияси бу ташкилотларнинг авангардидир. Партия оммавий ташкилотларнинг ролини тобора ошириб, шу ташкилотлар орқали коммунистик жамият қуришнинг улуғвор вазифаларини амалга оширмоқда.

Партия аъзолиги ва партия бирлиги тўғрисидаги масалалар партия қурилиши ленинча принципларининг асоси бўлиб ҳисобланади. Партия аъзолиги масаласи партияни қонунлаштирадиган ва унинг типини белгилайдиган туб масаладир. Шунинг учун ҳам партиянинг II съездида Ленин ва унинг ҳамфикрлари, иккинчи томондан меньшевиклар ўртасида худди шу масалада жиддий кураш авж олди. Съездда Мартов уставнинг Ленин томонидан ифодаланган биринчи параграфи формулировкасига, яъни партия программасини таниган, партияга моддий ёрдам бериб турган ва унинг ташкилотларидан бирининг аъзоси бўлиб турган ҳар бир киши партия аъзоси бўла олади дейилган формулировкасига қарши чиқиб, ўз формулировкасини таклиф қилди, унинг бу формулировкасига кўра, партия аъзоси партиянинг ҳеч бир ташкилотида турмаслиги ҳам мумкин. Партияга аъзоликни бундай талқин қилиш, партия эшигини тутуриқсиз элементларга кенг очиб қўяр эди. В. И. Ленин съездда сўзлаган нутқида Мартовнинг тутуриқсиз ва шаклланмаган бу формулировкасига қарши чиқиб, бундай деган эди: «Бизнинг вазифамиз — партиямизнинг мустаҳкам, саботли бўлишини, софлигини сақлашдир. Биз партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини борган сари юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим». (В. И. Ленин, Асарлар, 6 том, 540-бет). Ленин формулировкасининг мазмунини — партиянинг жанговар, фаол, революцион характери белгилайди. Партия аъзолиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг моҳияти КПССнинг ҳозирги уставида тўла ифодаланган.

В. И. Ленин партиянинг коммунизм қуриш учун муваффақиятли кураш олиб боришида энг асосий шарт партиянинг бирлиги ва жипслигидир, деб таълим берган эди. Партиямизнинг ленинча бирлиги ўн йиллар мобайнида троцкийчиларга, ўнг таслимчиларга ва халқнинг бошқа энг ёвуз душманларига қарши муросасиз қаттиқ курашда чиниқди ва мустаҳкамланди. Коммунистик партия куч-қудрати ва енгилмаслигининг манбаи шундаки, у ўз ичида фракцияларнинг бўлишига йўл қўймайдиган, программа, тактика ва ташкилий қарашларнинг бирлиги билан, интизом ва ҳаракат бирлиги билан маҳкам бирлашган монолит ташкилотдир. В. И. Ленин партиянинг X съездида «Партия бирлиги тўғрисида» қилган докладида ва съезднинг Ленин доклади юзасидан қабул қилган резолюциясида, партияда ҳар қандай фракциячилик бўлишини ман қилади ва бунга бўйсинмаганларга нисбатан жиддий партия жазосини қўллаш шарт қилиб қўйилди.

Коммунистик партия ўз амалий фаолиятида Лениннинг партия бирлигини кўзқорачиғидек сақлаш тўғрисидаги васиятига амал қилиб келди ва келмоқда. Маълумки, Маленков, Каганович, Молотов, Булганин ва уларга қўшилган Шепиловларнинг партияга қарши группаси муҳим масалаларда консерватизм позициясида туриб, партия XX съездининг қарорларига қарши чиқдилар. Шунинг учун ҳам партиямиз Марказий Комитети ўзининг ташкилий ва ғоявий принципларига тўла амал қилиб, бу группанинг фракциячилик фаолиятини қоралади ва уни тор-мор келтирди.

Партия сафларининг бирлиги ва жипслиги ягона партия интизомини янада мустаҳкамлашни талаб этади. Партияда барча коммунистлар учун бир хил даражада мажбурий бўлган темир интизомни жорий қилиш партиямиз куч ва қудратининг энг асосий шартидир. В. И. Ленин «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асарида партиядаги темир интизомнинг ролига юксак баҳо бериб, бундай деган эди: «Бизнинг партиямизда ғоят қаттиқ, ҳақиқатда темир интизом бўлмаганида, ...большевиклар ҳокимият тепасида икки ярим йил эмас, ҳатто икки ярим ой ҳам тура олмасликларини энди деярли ҳамма кўриб турган бўлса керак» (В. И. Ленин, Асарлар, 31 том, 8 бет). Шунинг учун ҳам КПСС устави ҳар бир коммунистдан партия ва давлат интизомига қаттиқ риоя қилишни, партия қарорларини бажариш учун актив курашчи бўлишни талаб этади.

Партия бирлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим принципларидан бири **демократик централизмдир.** Демократик централизм КПСС нинг ташкилий тузилиши ва бутун амалий фаолиятининг раҳбар принципидир. Партия ўзининг бутун ишида централизм принципларини қаттиқ туриб амалга оширмоқда. КПСС Марказий Комитети раҳбарликдаги централизмнинг ифодасидир. Демократик централизм принципи, партиянинг қуйи органларидан тортиб, юқори органларгача барча раҳбарлик органларининг сайлаб қўйилишини талаб этади. Ленинча демократик централизм принципи марказлаштирилган раҳбарликни, кенг халқ оммасининг ташаббуси билан тўғри боғлаб олиб боришни талаб қилади.

Коллективчилик — партия раҳбарлигининг олий принципидир. Коллектив раҳбарлик партиямизнинг демократик централизм принципларидан келиб чиқади. Раҳбарликда ҳал қилувчи роль партия съездлари, конференциялари ва Марказий Комитетининг Пленумларидир. Партия съезди — партиянинг олий органидир. Унинг қарорлари барча партия ташкилотлари ва партия аъзолари учун қонундир. Съездлар ўртасидаги давр ичида партиянинг олий органи КПСС Марказий Комитетидир. Ленин Коммунистик партияни совет халқининг коллектив йўлбошчиси ва раҳбари деб, Марказий Комитетни эса партиянинг бутун ғоявий ва ташкилий ишини, мамлакатнинг бутун сиёсий ва хўжалик ҳаётини йўлга солиб турувчи муносиб раҳбарлар коллегияси эканлигини кўрсатиб берди. В. И. Ленин 1922 йил декабрь ойида диктовка қилиб ёздирган «Съездга хат» номли машҳур кўрсатмасида Марказий Комитет аъзолари сонини кўпайтириш (ўша вақтда Марказий Комитет составида 27 киши бор эди), уни 50-100 кишигача етказишни тавсия қилди. Буни у Марказий Комитет обрўсининг ўсишида асосий шарт деб билди.

Ленин васиятига содиқ бўлган Коммунистик партия ўз сафларининг ўсиши билан Марказий Комитет составини ҳам кенгайтириб борди. Ўз мажлисларида Лениннинг хатини муҳокама қилган партиянинг XIII съездида Марказий Комитетга 53 аъзо ва 33 кандидат сайланди. XVIII съездлан кейин Марказий Комитет составида 139 аъзо ва кандидат бор эди. Партиямиз XX съезди Марказий Комитет составига 255 аъзо ва кандидат сайлади. Шунинг билан бирга маҳаллий партия комитетлари составлари ҳам систематик равишда ўсиб, кенгайиб борди.

Коллектив раҳбарликнинг кучи шундаки, бу раҳбарлик фақат раҳбарларнинг шахсий тажрибасигагина эмас, балки партия оммаси ва партия активининг жуда бой тажрибасига таянади.

В. И. Ленин коллективчилик раҳбарларнинг ролини асло камситмаслигини ҳам уқтириб ўтган эди. Асосий масалаларни муҳокама қилишда, — деган эди Ленин, — коллегиячилик қай даражада керак бўлса, — сансалорлик бўлмаслиги учун якка тартибда буйруқ бериш ҳам шу даражада керакдир.

Танқид ва ўз-ўзини танқид партиямиз қўлида беғамлик, манманлик ва хотиржамликка қарши курашда синалган қуролдир. Танқидни кучайтириш партия тараққиётининг қонунидир, деган эди Ленин. Ўз-ўзини танқид ва айниқса қуйидан бўладиган танқид — партия ички демократиясини ривожлантиришнинг ва камчиликларга ҳамда ярамас ҳолларга қарши курашда коллектив раҳбарликни яхшилашнинг қудратли воситасидир. Танқид ва ўз-ўзини танқиддан демогоглик, хушомадгўйлик мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилиш партиямизга хилоф бўлган позициядир. КПСС устави коммунистлардан партия ва халқ олдида виждонли ва принципиал бўлишликни талаб қилади.

Ленинча партия раҳбарлигининг энг муҳим принципи омма билан маҳкам ва доимий алоқада бўлиш, оммани ўргата билишгина эмас, балки оммадан ўргана билишдир. Коммунистик партиянинг бутун фаолияти халқнинг битмас-туганмас ижодий кучи ва ғайратига асослангандир.

В. И. Ленин халқ оммасининг ижодий кучига менсимасдан қараган, ишчилар ҳаракатида партиянинг раҳбарлик ролини инкор қилган «экономистлар», меньшевиклар ва «отзовист»ларнинг оппортунистик қарашларини фош қилиб, халқ ижодиёти чашмасидан сув ичган, ундан фойдаланган партиягина енгиб чиқишини, ҳокимиятни қўлда сақлаб қола олишлигини кўрсатиб берган эди.

Ленинча иш услуби асосида иш олиб бораётган Коммунистик партия ўз амалий фаолиятида халқ оммасининг ижодий кучига суянади. Коммунистик партия Ленин ишлаб чиққан ва илмий жиҳатдан асослаб берган программа асосида хўжаликка раҳбарлик қилишнинг форма ва методларини такомиллаштира бориб, коммунистик қурилишнинг энг муҳим масалаларини кенг халқ оммасининг муҳокамасига қўймоқда. Партиямиз, партия XX съездидан кейин бўлиб ўтган Пленумларида саноатни, қишлоқ хўжалигини, бутун социалистик экономикани янада ривожлантиришнинг туб масалаларини ишлаб чиқди ва бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Мамлакатимиз қисқа муддат ичида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш жиҳатидан Европада биринчи ўринни, жаҳонда эса иккинчи ўринни эгаллади.

Етти йиллик планнинг контроль рақамлари тўғрисидаги Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қилган докладида совет халқининг хўжалик, маданий қурилишда эришган ютуқларининг баъзи якунлари ва 1959 — 1965 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий вазифалари белгиланган. Бу план коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ҳал қилувчи босқич бўлади.

Партия коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини ишлаб чиққанда шу планларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти бўлган халқ ижодий ғайратининг битмас-туганмас чашмасига мурожаат қилади ва етти йиллик планнинг улуғвор вазифалари халқимиз томонидан муддатидан илгари бажарилади деб қаттиқ ишанч билдирди.

Улуғ Лениннинг асосий васияти, унинг партия қурилиши тўғрисидаги таълимотининг асосий мазмуни ана шулардан иборатдир.

**Р. НОРЖИГИТОВ.**

